

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/522 - сонли

Тошкент вилояти.

"16" 12 2022 йил

“Тошкент вилояти миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Нурматов Бахтиёр Бахромжонович** бир томондан ва **Кибрай ТЙФУК** (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Зайнитдинов Шамсиддин Нажмиддинович** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти Тошкент вилояти Тумани Қуш қўнди МФЙ Биллур тор кўчасини жорий таъмиглаш (кейинчалик-объект) ишларни бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами 207494) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 13 декабрдаги баённомасига асосан куйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда объект жорий таъмиглашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмиглаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига жорий таъмиглаш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбай бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган курилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС билан 68 000 000 (Олтмиш саккиз миллион) сўм**, шундан **ҚҚС 8 869 565 (Саккиз миллион саккиз юз олтмиш тўққиз минг беш юз олтмиш беш) сўмни ташкил этиб**, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач З кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмиглаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси холосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-пудратчи қурилиш давомида смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёrlарига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлади;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажарилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг **30 фоизи миқдорида бўнак (аванс)** бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлади, у *буюртмачининг* номидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни буюртмачи томонидан мазкур обьект учун бириттирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни буюртмачига топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган холда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгаришилар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларida кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. Пудратчи ишларни смета хужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблаглари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган обьект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриклинишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгид бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажариласлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, *Пудратчидан* зарур пул маблагларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишида узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган обьектларни

фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Махаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Махаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтинослашган, кўп ийлилк тажсрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хулосаларини олии талаб қилинади.

2). Бажарилган ишлар (хизматлар)ни хақиқий иш хажмини аниқлаш учун банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказилади (ўлчов назорат харажати пудратчининг бошқа харажатлари хисобидан қопланади);

3). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган иичи гуруҳ томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гурухига куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижро чилилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганилиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равища тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнисида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлами даалолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш хукуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи:*

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. *Пудратчи:*

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмиrlаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмиrlаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун буюртмачи *пудратчига* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объективни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* *буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда «Йўлкурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси холосаси асосида объективни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга. *Буюртмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

14.5. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Ўрта Чирчик туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қўйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БЮОРТМАЧИ

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК
Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Бобур кўчаси 119 уй
Ш/х: 304521860274017045129118542
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Газначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

ПУДРАТЧИ

“Қибрай туман йўллардан фойдаланиш унитар” корхонаси
Тош.вил Қибрай т. Охунбобоев 1А уй
М.х/р 4700 1086 0272 4870 4519 3118 001.
ИНН: 201 577 827 ОКЭД: 52210
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Газначилигининг Амалиёт
Бошқармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор  Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев

Директор  Ш.Н. Зайнитдинов

Тошкент вилояти Тошкент вилояти Тошкент тумани Күш
қўнди МФЙ Биллур тор кўчасини жорий таъмирлаш
2022 йил " 16 " 12 даги 2022/522-сонли
шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Тошкент вилояти Тошкент тумани Күш қўнди МФЙ Биллур тор кўчасини жорий таъмирлаш

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йилда объект қиймати												Иш турлари бўйича умумий киймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Жорий таъмирлаш	2022												68 000 000,00	68 000 000	
	ХАММАСИ:	2022												68 000 000,00	68 000 000	



БЮОРТМАЧИ:



ПУДРАТЧИ:

Тошкент вилояти Тошкент вилояти Тошкент
тумани Күш кўнди МФЙ Биллур тор кўчасини
жорий таъмирлаш
2022 йил " 16 " 12 даги 2022/522-
сонли шартномасига

2-илова

Тошкент вилояти Тошкент вилояти Тошкент тумани Күш кўнди МФЙ Биллур тор кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

Молиялаштириш жадвали	Йил-лар	2022 йил												
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	Жами
Ажратилган аванс маблаги	2022												20 400 000,00	20 400 000
Ажратилган аванс маблагини иибобатта олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратилладиган маблаг	2022												47 600 000,00	47 600 000
Жами:	2022												68 000 000,00	68 000 000
Жами молиялаштириладиган маблаг		68 000 000 (Олтмиш саккиз миллион)												



БУЮРТМАЧИ:



ПУДРАТЧИ:

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 207494 на приобретение «Тошкент вилояти Тошкент тумани Қуш қўнди МФЙ Биллур тор кўчасини жорий таъмирлаш»

Способ проведения электронный

Дата 13.12.2022

Время рассмотрения 06.12.2022 15:33

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Член комиссии	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Bosh mutaxassis	"O'ZYOLINSPEKSIYA"
Председатель комиссии	NURMATOV VAHNTIYOR BAXROMJONOVICH	директор	Тошкент вилояти МЙБХ ДУК
Секретарь комиссии	URUNOV JONIBEK QOBILOVICH	Бўлим бошлиғи	Toshkent viloyati MYBX DUK
Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Sektor mudiri	Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZZXON ISKANDAR O'G'LI	Yetakchi mutaxassis	Toshkent viloyati hokimligi
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.12.2022 года № лота 207494.

